



Илмонийянинг кўринишлари

Илмонийянинг икки кўриниши бўлиб, уларнинг хар иккиси бирбиридан кабиҳдир:

Биринчи кўриниш: Даҳрий (худосиз) илмонийя. У динни ва Яратувчи Холик – Аллоҳ таъолони бутунлай инкор этади ва буларнинг бирортасини эътироф килмайди, аксинча, Аллоҳ таъолонинг бор эканлигига даъват килган кишига карши жанг эълон килади. Фиску фужур ва кофирилиги билан шармсизларча магурланган илмонийянинг бу тури мусулмонлар-нинг ичидаги кўп ёйилмади, алхамдулилах.. уни, факат диндан чикишни хоҳлаган кишиларгина кабул килдилар. Гарчи, динга карши кураш, мўминларга душманларча муносабатда бўлиш ва уларга кийнок, камок ва катл билан озор бериш сингари катта хатари бўлсада, мусулмонлар оммасини чалгитиш учун бўлган илмонийянинг бу турининг хатари ўта заифдир.

Иккинчи кўриниш: Даҳрий бўлмаган илмонийя. У Аллоҳ таъолонинг борлигини инкор этмайди ва Аллоҳ таъолога назарий иймон келтиради. Бирок, у диннинг дунё ишларига аралашишни инкор этиб, динни дунёдан ажратиш учун даъват килади. Бу кўриниш, оммани алдаш ва шубҳлантириш нуктайи назаридан, юкоридаги кўринишдан кўра хатарлирокдир. Бу кўринишнинг Аллоҳ таъолонинг борлигини инкор этмаслиги ва динга очик хужум килмаслиги, мусулмонлар оммасининг кўп кисмларидан ушбу фикрий даъватнинг аслий мохиятларини тўсиб кўйди. Шунинг учун хам, улар билимларининг озлиги ва дин хакидаги соглом тасаввурга эга бўлмаганлари учун, бу кўринишдаги куфрни била олмаяптилар. Бунинг окибатида, сиз мусулмон ўлкалардаги ижтимоий тузумларнинг илмоний эканини ва кўплаб мусулмонлар буни билмаслигини кўрасиз.



Бугуни кундаги илмоний тузумлар, хакикатан хам динга ва Аллох йўлига даъват этувчиларга карши курашмокда. Бирок, уни бирор кимсанинг диндан чикиш ва куфр эканини баён килишидан хотиржам турибди. Чунки, у ўзининг биринчи кўриниши билан намоён бўлмаяпти. Зеро, кўплаб мусулмонлар хам, буни билмаяптилар. Аллох таъолодан биз ва биздан бошка мусулмонларга буни билдиришни, Умматнинг эса ўзи турган вазият ва хатто динга душман бўлган тузумларнинг хакикатини танишлари учун, динини тушунишни насиб этишини сўраймиз.

Шунинг учун хам, машхур илмонийларнинг кўплаб китоблари ва ишлатган ибораларида, Аллох таълонинг, Росууллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламнинг ёки Исломнинг зикри кўп кўлланилганини кўриш ўз динини онгли тушунган кишининг тасаввурида хайратли эмасдир. Балки, бу нарсалар динининг мохиятини яхши билмаган кишининг тасаввуридагина хайратлидир.

Хуноса: илмоний ўзининг мазкур икки кўриниши билан шакшубхасиз куфрдир. Шунинг учун хам унинг кайси бирига иймон келтирмасин, одам Ислом динидан чикади, Аллох сакласин. Бунинг сабаби шуки, Ислом дини инсон хаётининг руҳий, сиёсий, иктисадий, ахлокий ва ижтимоий тармокларининг барчасини ўз ичига олган, унга бир низом шерик бўлишига ижозат бермайдиган, балки, уни кабул килмайдиган дастурдир. Аллох таъоло Ислом динининг барча ўйларига кириш вожиб эканини баён килиб деди: [**Хой мўминлар!** **Исломга бутунлай киринглар!**].

Аллох таъоло Ислом дастурини баъзисини олиб, баъзисини олмаган кишиларнинг кофир эканликларини баён килиб деди: [**Сизлар Китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига иймон**



келтирмайсизларми?! Бундай ишларни килган кишиларнинг жазоси хаёт дунёсидаги хорлик бўлиб, охиратда каттиқ азобга кайтариладилар. Аллоҳ сизларнинг килаётган ишларингиздан гофил эмасдир!].

Ислом динида маълум бўлган нарсани, гарчи кичик бўлсада, тарк этган кишининг кофир ва адашган эканига шаръий далиллар кўпdir. Шундай экан, дунё сиёсатига тааллукли бўлган шаръий хукмларнинг барчасини инкор этаётган илмонийлар сингари кишиларнинг хукми нима бўлар экан? Табиийки, бундай ишларни килган кишиларнинг кофир эканида хеч шубха йўқdir.

Илмонийлар бошкаларнинг йўли Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам олиб келган йўлдан кўра тўгрирок, ёки унинг хукми Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламнинг хукмидан кўра афзалрок деб, эътиқод килган кунларида Исломни бузувчи амаллардан бирини килдилар.

Шайх Абдулазиз ибн Боз -роҳимахуллоҳ- деди: Исломни бузувчи нарсаларнинг тўртинчи кисмига одамлар тузган конунлар ва тузумлар Ислом шариатидан кўра яхширок, ёки Ислом низомини йигирманчи асрда татбик килиш салоҳиятли эмас, ёки Ислом мусулмонлар колоклигининг сабабидир, ёки Ислом шахс билан роббиси ўртасидаги аюла, холос. Унинг хаётининг бошка жабхаларига тааллукли жойи йўқ деб, эътиқод килган кишилар хам кирадилар.

Илмонийларнинг турлари

Илмонийларнинг турлари, араб ва Ислом оламида жуда хам кўпdir. Улар адиллар, ёзувчилар, журналистлар, муфаккир деб аталган



кимсалар, дорулфунун ва олийгохлар устозлари, оммавий ахборот воситаларида ишлаётган кимсаларнинг кўплари ва бошкалардир. Аллоҳ уларнинг сонини кўпайтирмасин!

Бу одамларнинг барчаси бир-бирлари билан ўзаро мустахкам алокада бўлмокдалар ва ўз имкониятларида барча кучларни, одамлар ўртасида илмонийяни ёйиш учун сарф этмокдалар. Шунинг учун хам илмонийлик, мусулмонлар хаётининг кўп тармокларига илдиз отиб, кириб борди. Аллоҳ таъолодан бу балодан саломат саклаши ва офицерлар беришини сўраймиз!

Илмонийликнинг араб ва Ислом оламидаги натижалари

Ислом жамиятига илмонийликнинг кириб келишининг, мусулмонларнинг дини ва хаётига салбий тасирлари бўлди.

Илмонийликнинг аччик самараларининг баъзилари булардир.

1) Аллоҳ таъоло индирган таълимотлар билан хукм килишни рад этиш, шариатни хаёт майдонидан четлатиш, Мухаммад саллоллоҳу алайхи ва салламга юборилган илохий хукмлар ўрнига, Аллоҳ таълононинг душманлари ва кофирлардан олинган сунъий конунларни бадал килиш; Аллоҳ таъоло индирган хукмлар билан хукм килиш ва сунъий конунларни тарк этиш учун килинган даъватларни колоклик, маданият ва тараккиёт карвонидан ортда колиш деб хисоблаш ёки уни шу даъватчилар устидан масхара, тахкир хамда халк ва ёшлар билан алокали мансаблардан узок килишга сабаб килиш.

2) Ислом тарихини бузиш, сохталаштириш, Исломий фатхларнинг олтин асрини бошбошдоклик ва шахсий манфаатлар хукмрон бўлган



вахшийлик асри деб тасвирлаш.

- 3) Таълим-тарбия ишларини бузиш ва уни илмоний фикрларни ёйиш учун хизмат килдириш. Бу куйидаги йўллар билан амалга оширилади;
- а) таълим бериш мобайнида, ўкувчилар ва талабалар ўртасида, дарс унсурларида илмоний фикрларни ёйиш;
 - б) диний моддалардан берилажак дарсларнинг вактларини имкони борича кискартиш;
 - в) муайян матнларни ўргатишни таъкиклаш. Чунки, бу илмонийларни ботилларини очиб ташлайди.
 - г) шаръий матнларни сохта шархлар билан такдим этиш ва гўё у илмоний фикрни кўллаб-куватлайди, энг ози билан илмоний фикрларга карши бўлмайди, деб кўрсатиш;
 - д) Ислом динига каттик эътибор берган устозларни дарс беришдан узоклаштириш ва уларни талабалар билан алокада бўлишидан ман килиш. Буни устозларни идора ишларини бажариш ва маошга мухтож бўладиган ишларга мажбур килиш йўллари билан амалга ошириш;
 - е) дин дарсларини ахамиятсиз холатга келтириш ва уни таълим кунининг энг охирги вактига белгилаш. Холбуки, бу вакт ўкувчиларнинг хеч бир нарсага эътибор бермайдиган вактиdir.
- 4) Соглом эътикорд хамда рисолат сохиблари билан дахрийлар, сохтакорлар ва уйдирмачилар ўртасидаги тафовутларни йўкотиш, уларни зохирان бир колип ва бир макомга кўйиш. Аслида эса куфр,



дахрийлик ва фиск ахлини тавхид, тоат ва иймон ахли устига афзал кўйиш максад килинади. Мусулмон, насроний, яхудий, коммунист, мажусий, барахман ва бошкалар бу фикр соясида конун олдида тенг хукуклидир. Уларнинг бирининг иккинчисига, илмоний фикрга ижобат килишларига караб, афзаликлари бўлади.

Бу фикр соясида насроний, яхудий, буддист ва коммунистларнинг муслима аёлга уйланиши оддий холга айланади. Шунингдек, Мусулмонлар диёрига яхудий, насроний, ва бошка кофир динларга мансуб кишиларнинг хукм килиши «зараарсиз» нарсага айланиб колади.

Илмонийлар мусулмонлар диёрида «Ватан яхлитлиги» гоясини амалга ошириш учун тиришмокдалар.

Бирок, улар «Ватан яхлитлиги»ни асос килиб, унга мухолиф бўлган Аллоҳ таъолонинг китоби ва Росули саллоллоҳу алайхи ва салламнинг суннатларини тарқ килиб; «Бу Ватан яхлитлигига хатар солмокда!»- демокдалар.

5) Ахлокий бошбошдокликни ёйиш ва оила биносини, жамиятнинг биринчи пойдевори деган тушунча билан парчалаш ва бунга ташвик ва тарғиб килиш. Бу куйидаги услублар билан амалга оширилади;

а) разилликка рухсат берадиган ва разил кимсаларни жазоламайдиган, зино хамда бесоколбозликка хуррият эшикларини очадиган, балки, уни химоя киладиган конунлар чикариш билан;

б) фазилатга карши тинмай курашадиган, разолатни goho pinxona, goho эса ошкора ёядиган рўзнома, ойнома, радио ва телевидение



сингари оммавий ахборот воситалари билан;

в) хижобга карши курашиш, мактаблар, олийгохлар, муассасалар ва ташкилотларда хотин-кизларнинг очик ва эркаклар билан аралашиб юришларини конуний мажбурият килиб кўйиш билан;

6) Исломий даъватга карши куйидаги йўллар билан курашиш;

а) Ислом эътиқоди ва Ислом шариати хакида шубҳалантирадаган китоблар учун майдонни кенг очиб, Исломий китобларнинг ёйилишига тўскинлик килиш;

б) Ислом хакикатини одамларга очиб берадиган мусулмон олимлар олдида барча эшикларни тўсиш билан бирга, мавхум, адаштирувчи гояларни кўпсонли одамларга ёйиш учун оммавий ахборот воситаларининг барча эшикларини залолатга йўлловчи илмоний олимларга очиб бериш.

7) Аллоҳ таълонинг йўлига даъват килувчи даъватчиларни кувгин килиш, уларга карши курашиш, уларга тухмат ва турли масхараомуз номларни ёпиштириш, уларни; «замонавий илм-фан ютукларига карши, ишларнинг мохиятини билмайдиган, магиз колиб, пўстлокка ёпишадиган мутаассиб жамоат» деб тасвирлаш.

8) Илмонийя билан сулх килмаган мусулмонлардан сургун килиш, камаш ва ўлдириш йўллари билан кутулиш.

9) Аллоҳ таълонинг йўлидаги жиходнинг фарз эканини инкор этиш ва унга карши курашиш хамда жиходни вахшийлик ва карокчиликнинг бир тури деб хисоблаш.



Аллоҳ йўлидаги жиходнинг маъноси, Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши ва Ер юзида Ислом салтанатидан бошка салтанат колмаслиги учун жанг килишdir. Илмонийлар динни дунё ишларига аралашибдан узоклаштиридилар ва динни шахс билан маъбуд ўртасидаги хос алока килиб, уни ибодат килинган жойдан ташкарида шахснинг сўзлари, ишлари ва сулукининг хеч кандай таъсири бўлмайдиган вазиятга чеклаб кўйдилар.

Шундай экан, динни олий килиш учун жиходга кандай рухсат берсинлар?!

Илмонийлар ва уларнинг «дум»ларининг тасаввуридаги уруш, фактатгина, бойлик ва ватанини химоя килиш учун олиб борилган урушdir. Бирок, динни мудофаа килиш, динни ёйиш, дин йўлида жанг килиш уларнинг тасаввурида вахшийлик ва тажовузкорлик рамзиdir!!

10) Миллатчилик ёки ватанпарварликка даъват этиш. Бу одамларни жинс, тил, жой ёки манфаат сингари хаёлий бирлашма асосида (динни бирлаштириш омилларидан бири деб хисобламай) бирлаштиришга харакат киладиган даъватdir. Балки, дин бу даъват соясида парчалаш ва таркоклик омилларидан биридир. Хатто, бу даъват даъватчиларидан бири: «узок конли асрлар тажрибаси шуни кўрсатдики, одамлар учун хаётдан кейинги нарсаларни таъмин этадиган дин хаёт хавфсизлигини йўкотди» - деди.

Бу илмонийянинг мусулмонлар диёрида вужудга келтирган аччик самараларидан баъзилари, холос. Аслида эса, унинг самаралари бундан кўра бенихоя кўпdir.

Мусулмон одам, илмонийянинг бу самараларини ёки унинг



баъзиларини, мусулмонлар яшаётган кўплаб диёрларда кўриши мумкин. Холбуки, у шу вактнинг ўзида, илмонийянинг бу аччик самараларига суюниб, кайси мамлакатларда кай даражада ўрнашиб кетганини хам билиб олади.

Мусулмон киши мусулмон диёрларнинг хар бирида илмонийянинг барча ёки айrim самараларини осонлик билан хис этган бир пайтда, бу самаралардан холий бўлган бирон бир мамлакатни топа олмайди.

Илмонийя ўзининг барча кўринишларида, Аллоҳ таъолонинг борлигини инкор этсин, этмасин дахрийликдир. Чунки, «илход» (дахрийлик) сўзининг маъноси: **«максаддан воз кечиш, жабр ва кинирликка мойиллик»**дир.

Биз одамларга; «илмонийя» сўзи факатгина Аллоҳ таъолони инкор этиш учунгина истеъмол килинади, деб айтиш одат бўлиб колгани учун хам, «илмонийя» ни «дахрий ва дахрий бўлмаган» илмонийя, деб айтиб ўтдик.

Кўп одамлар дахрий бўлмаган илмонийянинг динга карши курашишини билмайдилар. Чунки, дин уларнинг тасаввурларида баъзи ибодатлардангина иборат, холос. Масалан: илмонийя масжидларда намоз ўкиш ва Каъбатуллоҳга бориб хаж килишни таъкиламаса, у динга карши курашмайди деб, ўйлайдилар. Аммо, динни солом тушунчалар билан тушунган кишилар, илмонийя динга карши курашишини жуда яхши биладилар. Ахир, одамлар билсалар, Аллоҳ таъолонинг шариатини хаётнинг турли майдонларида хукм килишдан четлатишдан кўра каттикрок кураш борми?!

Абу Абдуллоҳ ан-Наждийнинг «Исломни бузувчи нарсалар» рисоласи ва Шайх Абдулазиз ибн Боз -роҳимаҳул-лоҳнинг «солом ақида» рисоласи, 30-бетга каранг.

Аввалги манбага каранг.